

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



# ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 139 (8879) ● 1986 йил 16 июль, чоршанба ● Баҳоси 3 тийин

## ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ АСОСИДА

## 904- СЧЁТГА

● ТОШКЕНТ. Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонт заводининг меҳнаткашлари Бутуниттифок социалистик мусобақасидаги совриндор ўрин учун берилган мукофот — қарийб ўн бир минг сўм пулни Чернобилга Ёрдам фондида ўтказдилар.

Корхонада митинг бўлиб ўтди. Митингга сузга чиққан электр аппарат цехи слесарларининг бригадари, бошланғич партия ташкилотининг секретари А. Бесчетнова ва электр машина цехининг мастери А. Шабонова барча ремонтчиларга мурожаат этиб, АЭСдаги авария оқибатларини тезроқ йўқотишга амалий ҳисса қўшишга чақирдилар.

Корхонанинг барча ишчилари ва хизматчилари ишлаб чиқариш илгорларининг давлатини қизғин қўллаб-қувватлади. Митингга умумзавод шайбалиги уюштириб, ундан тушадиган маблағни 904-счётга ўтказишга қарор қилинди.

● ОЛМАЛИҚ. Олмалиқ бирлашган ишчилар ташкиоти бошқармасининг коллективи «Кулфатни ўзганики деб бўлмайди» деган яқдил фикрга келди. Умумий мажлисда бир кунлик иш ҳақини Чернобил атом электр станциясидаги авариядан жабрланганларга Ёрдам фондида ўтказишга қарор қилинди. Шундай қилиб бошқарма ходимлари 904-счётга беш минг сўм ўтказдилар.

Ўзбекистоннинг катта саноат марказида кулфатга лоқайд қараган бирон кимса қолмади. Олмалиқликларнинг таклифларига кўра, Украинанинг жабрланган районларидаги кўпгина оилалар бу ерда меҳнат отпускарини ўтказмоқда. Ҳозир чернобилликларнинг болалари кон-металлургия комбинатининг пионерлар лагериде дам олмақда.

(ЎзТАГ).

Мамлакатимиз меҳнаткашлари қатори Ўзбек Совет энциклопедияси беш редакцияси коллективи ҳам украиниялик дўстларининг бошига тушган оғир муқабатни тугатишга оз бўлсада ўз ҳиссаларини қўшишга яқдиллик билан қарор қилдилар. Коллективнинг 120 дан ортқ ходими 904-счётга 1000 сўмдан ортқ пул ўтказди.

Н. ҚҶШОҚОВА.

## ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИНИНГ ТАВСИЯЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК ҲОСИЛ КАЛИТИ

РИСОЛАТ Қорабоева тажрибали пахтакор. Унинг тажрибалари билан танишгани фақатгина Навоий номи колхоздан эмас. Чиноз районидеги бошқа хўжаликлардан ҳам кўпчилик келади. Бу йил у бошчилик қилаётган бригада аъзолари 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландеги 33,3 центнер ўрнига 37 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш мажбуриятини қабул қилишган.

— Меҳнат қилган хирмон уяди, — дейди Рисолат Қорабоева. — Гап меҳнатини ҳам, белгиланган тадбирларини ҳам оби-тобида, билиб қилишда. Область пахтакорлар Советининг тавсияларида июль-август ойларидаги энг муҳим вазифалар кўрсатиб берилган. Ана шу тавсияларни ҳар бир хўжалик, бригаданин шароитини ҳисобга олиб қўлланш керак. Бригадамиз деҳқонлари бу йил ҳар қачондан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш ниятидандлар. Шунинг учун айни кунларда гўза парваришини ҳар томонлама кучайтиривимиз.

Ҳақиқатан ҳам бригаданинг механизатори Маъмур Ҳасанов, сувчилардан Шариф Баратов, Қосимбек Қодиров, Ҳўлдош Темиров, Гаффор Шокировлар ўзаро олиб қўлланш керак. Бригадамиз деҳқонлари бу йил ҳар қачондан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш ниятидандлар. Шунинг учун айни кунларда гўза парваришини ҳар томонлама кучайтиривимиз.

## ҒЎЗАЛАР БАРАВЖ

ЯНГИЙЎЛ районидеги «СССР 60 йилгига» колхозининг Маҳамат Валиев етакчилигидаги коллектив пахтакорлари гўза парваришини ташкил этиш бўйича ўтказиладиган мусобақада пешқадамлик қилди. Ҳозир гача бригадада 83 гектар майдондаги гўза қатор ора-ларига тўрт марта ишлов берилди. Ўз вақтида озиқ-лантирилган, суғорилган и-

қоллар баравж ривожланмоқда.

— Асосий мақсадимиз пахтадан эртаги ҳосил етиштиришдир, — дейди бригада бошлиғи. — Шунинг учун ҳар бир цикл парваришини иложи борича қисқа фурсатда амалга оширивимиз. Ана шунда ҳамма қар-талардаги гўзалар бир текис бўлиб ривожланади, етил-ди. Айни кунларда иккинчи озиқ-лантиришга тайёргар-

лик кўривимиз. Июль ойида йиллик минерал ва маҳаллий ўғитларининг ҳаммаси солинади.

Р. БЕГАЛИЕВ.

## Бм-хашак тайёрлаш Тошкент ҳақиқатис назоратида

## ФУРСАТНИ БОЙ БЕРМАНГ

БУ ЙИЛ Галаба райони озуқакорлари қишлоқ учун 64 минг тонна, ем-хашак тайёрлашга аҳд қилишган. Ҳозирда бу борада кураш авж олган. Илгор хўжаликларда беда пичани, сомон жамғариш, сепаж бостиришдан ташқари ариқ ва зовур ёқаларидаги табиий ўтларни йиғиштириб олиш қизғин туста кирди. Масалан, «Ого-нён» совхозида шу кунгача йиллик план 75 процентга, Энгельс номи колхозда эса 52 процентга бажарилди.

Бу хўжаликларда озуқа экинлари яхши парвариш қилинганлиги туфайли биринчи ўриннинг ўзидеги 40—45 центнердан ҳосил олинди. Ўрим қисқа муддат ичи-да тугалланган майдонлар теъда озиқлантирилиб, суғорилди. Бу иккинчи ўримда гектаридан 35—40 центнердан пичан тайёрлаш имко-тини берди. Айни кунларда бу хўжаликларда учинчи ўрим жадал борапти.

Лекин районнинг барча хўжаликлариде ҳам иш намунали ташкил этилган деб бўлмайди. Беданинг учинчи ўрими бошланганга анча булганлигига қарамай, баъзи хўжаликларда бу ишга ҳамон маъсулиятсизлик билан қаралмоқда. Масалан, бир ҳафта давомиде Киров номи ўқу хўжалигида 141 гектар майдондаги беданин атиги 4 гектари ўрилди, хо-лос. Ўрим вақти ўтиб кет-етган бўлса-да «Москва» колхозиде бу ишни бошлаш ҳали ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаётгани йўқ. Беда эса гуллаб, барги тўкилиб, қуруқ пояси қолапти.

Табиий пичан тайёрлашда ҳам баъзи хўжаликлар те-скари «ренорд» қўйишмоқда. Масалан, «Ленинград» кол-хозин, «Коммунизм» совхозиде эндигина йиллик план-нинг 22 проценти миқдориде хашак жамғарилди.

Ез ем-хашак тайёрлашда ҳал қилувчи палла. Шу мас-сумда қишлоқ гамини еб, тадбиркорлик билан иш юритганларгина қишда панд

эмайди. Буни райондаги чор-ваччиликка ихтисослашган Волков номи совхоз раҳ-барлари, мутахассислари ҳам яхши билишади. Ле-кин...

Хўжалигида 10 та бригада бевосита озуқа экинлари парвариши, ем-хашак жам-ғариш билан шуғулланади. Аммо уларининг маъсулият-сизлиги туфайли беданинг кир-тиричи, иккинчи ўримдан кут-тирилган ҳосил олинмади. Биринчидан, ўрим кеч бош-ланди. Беда қуруқ пояларга айланиб қолди. Иккинчидан, вақтида ташиб олинмаган-лиги туфайли пичан офтоб-да қовжираб таркибидеги фойдали моддалар ҳавога учди.

1986 йилда совхоз бўй-ча 5430 тонна беда пичани тайёрланиши керак. Шу кун-гача эса атиги 885 тоннага етказилди, хо-лос. Бу кўрсат-ки ўтган йилнинг шу дав-ридагига нисбатан 1596 тон-на камдир. Табиий ўт пича-ни эндигина 100 тоннадан

ошди. Бу ерда сепаж бости-риш ҳам ўлда-ўлда, 3600 беш қорамол учун бор-йўғи 2000 тонна сепаж тайёрлан-ди.

Ҳозир учинчи ўрим давом этилапти. Ленин у ҳам ниҳо-ятда қўзиб юришмоқда. Мавжуд техника сабабиса равишда бекор туриб қо-лмоқда. Ваҳоланки, совхозда 10 та ўривчи, 8 та йиғувчи, 12 та ташувчи машина ва механизмлар ем-хашак тай-ёрлашга ажратилган.

Ш. Умарқулов, Х. Ниёновлар етакчилик қилаётган бригадаларда беда майдон-ларини озиқлантириш, суғор-ишга эътибор берилмади. Натижиде икки ўримдан атиги 50 центнердан пичан олинди.

Тўғри, хўжалик раҳбар-лари, мутахассислари аҳ-волни атрофлик қилаётган чинишди, чора-тадбирлар белгиланди. Қолоқ бригада-ларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Лекин ана шу ёрдам вақтида қилинганда эди, ем-хашак тайёрлашда бунчалик судралиш бўлма-сди.

Ҳали ҳам кеч эмас. Ез-нинг ҳар дақиқасини гани-мат билиб фурсатни бой бер-масдан ишга киришиш ке-рак. Озуқа экинлари, айни-қаса, беда парваришини куч-айтириб мўл ва сифатли ем-хашак жамғариш учун барча имкониятларни ишга солиш лозим.

И. ТОШЕВ.

## ЗАМОНДОШИМИЗ

● МАВЛОН Эргашевнинг тақдирини ҳам кўпчилик қишлоқ йиғитлариникига ўх-шаш. Чиноз район «Қизил Октябрь» колхозидеги ўр-лар мактабда ўқиди. Макта-бни битириб колхозда қолди. Тажрибали пахтакорлардан иш ўрганди. Шу орада ме-ханизаторлар тайёрлаш кур-сини ҳам битирди. Ғўза қат-тор ораларига ишлов берди, сув қўйди, мўл «оқ олтин» ҳосили етиштиришга сал-

моқли ҳисса қўшди. 1973 йилда унга бригадани ишо-ниб топширишди. Ҳозир эса у хўжалиқдаги ўқувчи-лар ишлаб-чиқариш брига-дасига раҳбарлик қилмоқда. Ташаббускор, изланувчан Мавлон Эргашев бу йил ҳам ёшлар билан бирга мўл, эр-таки ва сифатли ҳосил етиш-тириш иштиёқиде ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

## ОТА-БОЛА СУВЧИЛАР


МИРЗАРАҲИМ Мирҳали-ловни Ойқўрғон районидеги «Партия XXII съезди» кол-хозиде уста сувчи сифати-да тилга олишди. У 30 йил-дири пахта етиштиради. Ғўзаларни оби-ҳаётга қон-диради. Колхозда пахта хо-силдорлигининг ошиб бори-шида миришкор сувчининг салмоқли ҳиссаси бор.

Бу йил ҳам Мирзраҳим ақд хўжалиқининг Турсу-ли Пўлатов бошчилик қи-лаётган бригадасиде иккин-ўғли Ҳасан ва Хусан Мир-ҳалиловлар билан биргали-қда сув қўймоқда. Бригадада учта сувчилар группаси ташкил этилган. Ота-бола сувчилар ўзларига ақратил-ган майдонлардаги ғўзалар-ни ўз вақтида суғдан чиқари-шмоқда.

Сувчининг иши фақат-гина эгатаг сув қўйиш билан чекланмайди, — дейди М. Мирҳалилов. — Вали у ўзи назорат қилаётган нар-тадаги ғўзаларининг ҳолатини мунтазам текшириб туриши, ер култивацияга этилган бўлса дарҳол бу ҳақда бри-гадирга айтиши керак. Энг муҳими сувни гўзанин тала-бига қараб қўйиш лозим. Агар уни ҳаддан ташқари кўзатиб юборсангиз шона-сини ташлаб юборди. Ак-синча сувга қониқмай қолса ана ҳосилнинг бир қисминдан айрилиб қоласиз.

Бу йилги сув анча тақчил бўлаётган паллада бригада аъзолари бутун диққат эъ-тиборни сувнинг ортқица ис-роф бўлмаглигига қаратиш-моқда. Оқва сувлардан ҳам самарали фойдаланилапти. Намни узоқроқ сақлаш мақ-садида маҳаллий ўғит шар-бат қилиб оқизилмоқда. Ун иккинчи беш йиллиқнинг дастлабки йилда бригада деҳқонлари 125 гектар майд-оннинг ҳар гектаридан пландеги 29,5 центнер ўри-га 40 центнердан пахта йи-ғиштириб олишга эътибори-ган. Бу марранга егалиш учун ҳар бир агротехника тадбирини ўз вақтида, сиф-атли ўтказиш лозимлигини миришкорлар яхши тушуни-шади.

М. МИРКАМОЛОВА.



## М. С. ГОРБАЧЕВ

ЯДРО СИНОВЛАРИНИ ТУХТАТИШ УЧУН КУРАШУВЧИ ОЛИМЛАР  
ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

14 июль кунин КПСС Мар-казий Комитети Бош секре-тари М. С. Горбачев анжу-маннинг чет эллик қатнаш-чилари илтимосига биноан шу анжуман ташаббусорлар-ни бўлими бир гурупа олим-лар билан учрашди.

Рим университетининг профессори, Папа Фанлари академиясининг аъзоси Ж. В. Марини-Беттоло ан-жуманин барча қатнашчи-лари номидан М. С. Горба-чевга анжуманда яқдиллик билан қабул қилинган ва ва ядро қуролига эга бўлган барча давлатларнинг, би-ринчи навбатда СССР ва АҚШнинг раҳбарларига ма-жбурият этилган декларация-ни топширди. Италиялик олим ҳужжатни тақдирлаш, Совет Иттифоқи ядро синов-ларини ўз ихтиёри билан бир ёқлама тарзда тўхтатиб қўйганлиги, шунингдек Со-вет ва Америка олимлари

маъсулиятли ҳужжатдир. Ҳужжатин билмидон киши-лар тузиб, қабул қилганли-лари ва қабул қилинганда ҳам бир овоздан қабул қи-линганлиги мусобақати бил-ан у алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳол унинг саломининг ана ҳам ошира-ди. Сизларнинг мурожаато-мангиз гонда эътибор билан кўриб чиқилди. Совет ҳу-кумати қарор қабул қилади ва сизларга бу ҳақда хабар берилди.

М. С. Горбачев совет ва чет эл олимлари билан ба-ҳас қилиш суҳбатлашди. У су-батни яқдил, ишонч бил-дириб айтдики, анжуман қатнашчилари бошлаган иш ривожланиб бораверади ва уни дунёда вужудга келган ҳозирги аҳволдан ташвиш-ланаётганларнинг ҳаммаси қўллаб-қувватлайди.

(ТАСС).

М. С. Горбачев совет ва чет эл олимлари билан ба-ҳас қилиш суҳбатлашди. У су-батни яқдил, ишонч бил-дириб айтдики, анжуман қатнашчилари бошлаган иш ривожланиб бораверади ва уни дунёда вужудга келган ҳозирги аҳволдан ташвиш-ланаётганларнинг ҳаммаси қўллаб-қувватлайди.

## М. ТРАОРЕ МОСКВАГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Пре-зидиуми ва Совет ҳукумати-нинг таклифига мувофиқ, Мали халқ демократик итти-фоқи Бош секретари, Мали Республикаси президенти Мусса Траоре рафиқаси бил-ан 14 июль кунин расмий дўстона визит билан Москва-га келди.

Аэродромда Мали раҳбари ва унинг рафиқасини КПСС Марказий Комитети Сисей бюроси аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. А. Громико рафи-қаси билан, КПСС Марказий Комитети Сисей бюроси аъзоси, СССР Министр-лар Совети раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, бошқа расмий киши-лар кутиб олдилар.


Томонлар Африка мамла-катларининг оғир иқтисодий аҳволни қитъани иқтисодий жиҳатдан овоз қилиш жа-раёнини мушуқлаштирувчи сабабларни таҳлил этдилар. Тинчлик ва халқро хавф-сизликини мустаҳкамлаш, барча давлатларнинг баб-ба-равар иқтисодий хавфсизли-гини гарантиялайдиган янги халқро иқтисодий тартиб урнатиш ривожлантаётган бошқа мамлакатларнинг проблемалари каби Африка проблемаларини ҳам чина-кам ҳал этиш йўллари энан-лиги таъкидланди.

Музокаралар давом эти-рилди.

Зиёфатда А. А. Громико, Г. А. Алиев, П. Н. Деячев, бошқа расмий кишилар ҳо-зи бўдилар.

А. А. Громико ва М. Траоре нутқ сўзладилар, улар-нинг нутқлари эътибор бер-иб тингланди ва қарсақлар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиёта ўтди. (ТАСС).



● ЯНГИЙЎЛ районидеги «Интернационал» колхозини озуқакорлари айни кунларда мўл ва сифатли ем-хашак жамғаришга алоҳида эъти-бор бермоқдалар. Айниқса, хўжалиқининг Ансар Мамедов бошчилик қилаётган озуқачилик бригадаси аъзолари ўзларига қарашли 78 гектар бедазордан юқори ҳосил олмақдалар. Бу йил улар ҳар гектар ердан 160 центнердан пичан йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Су-ретларда: (ўнгда) коллективнинг илгор механизатори Турғун Жумабоев; хашак ортиш пайти. А. Зуфаров фотолари.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ ОРГАНЛАРИДА ХИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Берилган ҳуқуқдан тўла фойдаланайлик

Сергели районидagi 3-автоконтинат шахримиздаги юк ташувчи энг йирик корхоналардан биридир. Кейинги йилларда автоконтинат коллективни халқ ҳўжасиз юкларини шартнома бўйича ўз муддатларида манзилларига етказиб бериш, хўжасизликка қарши кураш, меҳнат ва давлат интeзиомини мустаҳкамлаш бўйича катта муваффақиятларга эришди. Бунда шўҳасиз корхона халқ назоратчиларининг мўноси ҳиссаслари бор. Автокомбинат халқ контроли комитети

раиси Т. Хўжаев ҳисобот докладыда бу ҳақда кeнрeт мисоллар келтирди. Ҳисобот даврида 30 дан ортқ рейд ва текширишлар ўтказилди. Унинг 15 дан ортқ план топшириқларининг бажарилиши, янги техникани ўзлаштириш, интeсид ва тежамкорлик, социалистик мулкни сақлаш, автотранспорт вoситаларидан самарали фойдаланиш ва бошқа масалаларга қаратилди. Ана шу мавзулардаги рейд якули бўйича мансабдор кишиларнинг ҳисоботлари эшитилди. Айбдорларга

нисбатан қатъий чоралар кўрилди. Шунингдек, докладыда рейд ва текширишлари ўтказишда тажрибали мутахасислар, қасаба союзи, комсомол активлари кeнг жалб этилаётгани таъкидлаб ўтилди. Автокорхона ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан техник хизматнинг сифатли бажарилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу участкада тез-тез рейд ва текширишлар ташкил этиб турилди. Халқ контроли группаси мажлисларининг бирида

активлардан бири ана шу участкада алоҳида халқ назоратчилари постини ташкил этишни таклиф қилди. Ҳақиқатан, бу қимматли таклиф яхши натижа берди. Биринчи, иккинчи техника хизматлари, шунингдек барча ремент ишлари сифатли бажарила бошланди ва автоташкилотларнинг рементга тушиши анчага узайди. Халқ назоратчилари ички қўзғалдирилган қарин тез-тез рейдлар, текширишлар ўтказдилар ва бу иллатнинг йўқ қилиб бoрилиши йўлида

самарали таъсир кўрсатдилар. Сўнгги вақтларда ички билан рулга ўтирганларнинг сони кeкин қамайди. Бу ишларда кўнгилли халқ дружиначилари, комсомол прожекторчилари ҳам яқиндан ёрдам бердилар. Докладчи ва доклад юзасидан музокарага чиққанлар ана шундай тажрибаларни таъкидлаш билан бирга ўз берган қамчиликларни рўйсот очиб ташлашди. Ҳисобот даврида активлик кўрсатмаган халқ назоратчилари қатъий танқид қилинди. Шунинг учун ҳам автоконтинат халқ контроли группаси ҳисобот-сайловларида 40 халқ назоратчиси қайта сайланмай қолди. 1. 7-автоконтинат халқ контроли группаси яхши

ташабуус кўрсатиб ишламади. Текширув ва рейдлар мунтазам ўтказиб бoрилмади, кўрилган масалалар чуқур анализ қилинмади, аниқланган қамчиликларнинг тўла бартараф этилиши учун етарли кураш олиб бoрилмади. Ф. Расулев, А. Аъламов И. Гoхoбeр, Д. Рўзиевлар корхонада ёнилги ва бошқа материаллардан тежамкорлик фойдаланиши, ишлаб чиқариш интeзиомини талаб даражасида ташкил этилмаганлигини таъкидлаб ўтидилар. СССР халқ контроли ҳақидаги Қонунда белгиланган ҳўжўқлардан тўла фойдаланилмаётгани ҳам қайд этиб ўтилди.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТЛАРИ КОМИССИЯСИ ДАН

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитетининг Тошкент область Ленин комсомол мукофотлари комиссияси фан, техника, ишлаб чиқариш ва педагогика фаолияти соҳаларида 1986 йил мукофоти учун асарларни қабул қилишни давом эттирди. Мукофот олиш учун қўриб чиқишга ўтказилган илмий-тадқиқотларнинг юксак даражаси, совет фани ва техникасини ривожлантиришга мўносиб ҳисса қўшади. КПСС XXVII съезди қарорларини муваффақиятли бажаришга кўмаклашадиган, янги техник ечимларни бўлган, тугалланган ишлар қабул қилинади.

Комиссияга тақдим этилган ҳўжўқлар ва асарлар рецензия қилинмайди. Мукофотга тавсия этилган материаллар 1986 йилнинг 30 августига қўйидаги адресда қабул қилинади: 700029, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти 9, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитети, Ёш илмий ходимлар билан ишлаш сектори. Телефонлар: 32-27-33, 33-29-35.

НАЗОРАТЧИДАН ТАЛАБ КАТТА

Олмалиқ шаҳар партия комитетида халқ назоратчилари кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда халқ контроли комитетининг раиси Т. Юсупов КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш юзасидан халқ назоратчиларининг вазифаларини темасида доклад қилди. Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотичлар сўз маҳсулотлари заводи халқ контроли группасининг раиси Н. Котиков, шаҳар ижroiия комитети маданият бўлими халқ контроли группасининг раиси Л. Никитина, В. И. Ленин номи коммуналдургия комбинати халқ контроли комитетининг раиси А. Абдеев, шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Ю. Н. Беланов группа ҳамда постлар фаолиятини активлаштириш, янги талаблар асосида ишни қайта қуриш, рейд ва текширишлар самардорлигини ошириш, ҳўжасизлик ва исофгарчиликка қарши кураш, тежамкорлик, иш форма ва методларини такомиллаштириб бoриш ҳақида фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Кенгашда шунингдек, халқ контроли группаларини да бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайловларнинг бoриши муҳокама қилинди. О. ХУШНАЗАРОВ.



ЗАРБДОР ВАХТАДА

▲ ПОЯТХТ область ва саноат корхоналарида ишни эътибор берилмоқда. Зеро, йинги Пленумларда халқ назоратчилари ишлаб чиқариш ва сифатини яхшилаш бўйича йўл-йўриқ ва долзарб вазифадир. Суратларда: Янгийўл пойабзал фабрикаси 4-дехи халқ контроли группасининг раиси Асқар Мирзааҳмедов тайёр маҳсулотлар сифатини кўздан кeчирмоқда. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бoришмасининг илгoр тўқувчилари Васила Вақилова ва Саида Мирпўлатова ўзлари ишлаб чиқарган янги маҳсулот билан В. Сироткин фотолари.

шаҳардаги кeнг истеъмол қайта қуришга, маҳсулот сифатини оширишга алоҳида кўп ҳисса қўшади. КПСС XXVII съездида ва Марказий Комитетнинг кeнрeт истаъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажминини қўйиштириш ва сифатини яхшилаш бўйича йўл-йўриқ ва долзарб вазифадир. Суратларда: Янгийўл пойабзал фабрикаси 4-дехи халқ контроли группасининг раиси Асқар Мирзааҳмедов тайёр маҳсулотлар сифатини кўздан кeчирмоқда. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бoришмасининг илгoр тўқувчилари Васила Вақилова ва Саида Мирпўлатова ўзлари ишлаб чиқарган янги маҳсулот билан В. Сироткин фотолари.



ЛЕНИН ТИПИДАГИ РАХБАР

КПСС Марказий Комитети ҳузурдаги марксизм-ленинизм институтини Ленин типидagi партия ва давлат арбоби — Г. К. Оржоникидзе туғилган кўннинг 100 йиллигига атаб «Григорий Константинович Оржоникидзе (Серго). Биография» китобини таъйёрлади. Бу — 1962 йилда чиқарилган биринчи китобнинг иккинчи нашридир. Оржоникидзе ўзининг ноёб ташкилотчилик қобилиятини

коммунистик партия қуришига, Октябрь ғалабалирини ҳўмон қилишга, кўп миллатли Совет давлатини мустаҳкамлашга сарфлади. Сергонинг номи дастлабки беш йилликлар даврида СССРнинг бутун фан-техника потенциалини янгилаш ва тўдан қайта қуриш билан абадий боғланган. Китобни Сибейн адабиёт нашриети чиқарди. (ТАСС).

ТУШУНАРЛИ, ТАЪСИРЧАН

Коллектив ўртасида олиб бoрилаётган атеистик пропагандини таъсир қандай бўлаётган? Тушунириш ишлари юксак талаблар даражасидами? Уни қайси йўл билан аниқ билиш мўкин? «Электромпром» ишлаб чиқариш бoришмасини партия комитети аъзолари бу саволларга жавоб топиш йўлиларини муҳокама қилардилар, қимдoр аниқта ўтказишни таклиф этди. Бу фикр кўчликлани маънўл бўлди.

Аниқтага атеизмга оид ўнга яқин савол ёзилди, кўпчилик ишчи-хизматчилар ўртасида тарқатилди. Унга фамилияни ёзиши шарт эмасди. Йинги олинган аниқталарни синчиликлар ўрганиб чиқишди. Бу коллективда дин таъсирини бир мунча аниқроқ билиш имкони берди. Айрим ишчилар атеистик тарбияни қўйиштиришга қаратилган фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлаш ҳам эътибордан четда қолмади.

ажойиб ташкилотчилари, жонқурлари етишиб чиқди. Улар ҳақида гап кeтгeндe бўлса аввало 20-дехдан Н. Д. Обоянова, амман ишлаб чиқариш дехдан В. В. Бежани ва бошқаларнинг номлари биринчи бўлиб тилга олинади. Улар ўзларини атеистик тарбиянинг модир ташкилотчилари эканликларини амалда кўрсатдилар. Уларнинг бу соҳадagi тажрибасини умумлаштириб, бошқалар ўртасида ҳам ёйилмоқда ва ўрганилмоқда.

Партия комитети атеистик тарбия билан боғлиқ бўлган ишларни қатъий план асосида амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Ҳар бир иш, ҳар бир тадбирнинг белгиланган муддатларда бажарилиши учун маъсўл ходимлар белгиланган. Улар бу ҳақда партокм олдида мунтазам ҳисобот бeриб турадилар. Белгиланган тадбирлар вақтида амалга ошмас экан кeчикса жавоб бeрадилар.

Бир сўз билан айтганда аниқта тарқатилиш коллектив ўртасида олиб бoрилаётган атеистик тарбия нотичлардан кўра қамчиликлар кўпроқ эканлигини кўрсатди. Шу бoридан ишни қайта ташкил этиш лoзин дeган ҳўжўса кeлинди. Айниқса КПСС XXVII съездида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, кишилар билан, динга ишонувчилар билан яқнама яқин олиб бoриш зарурлиги маълум бўлди.

Партия комитети ҳузурда атеизм бўйича методик кeнгаш тузилди. Унинг асосий вазифаси атеистик пропагандани қўйиштириш, унинг таъсирчанлигини, жанговарлигини оширишдан иборат, деб белгилаб қўйилди. Бу кeнгаш раҳбарлигида идеология активининг, аввало атеистик пропаганда билан шуғулланувчи лекторлар, пропагандистлар, агитаторлар, сибейн ахборотчиларнинг фаолияти анча жонланди. Кeнгаш аъзолари ишлаб чиқаришнинг барча бўлимларини меҳнатнашлари ўртасида атеистик тарбия аҳволидан доим хабардор бўлиб турадилар. Зарур бўлса ердам кўрсатдилар. Агитаторлар, сибейн ахборотчиларга атеистик темада сўхбатлар ўтказиш учун тавсиялар бeрадилар, уларни зарур қўлашмалар, адабиётлар, информация материаллар билан таъминлайдилар.

Шунинг учун ҳам ҳамма ишда маҳсул тасдиқланган ренага рноқ қилинмоқда. Ҳар ойда барча цехларда атеистик тарбияга оид кинолекторийлар ўтказилмоқда. Уларда лектор, агитатор ёки сибейн ахборотчи атеизмга бағишланган темада лекция ўқийши, сўхбатлар ўтказиши, бeвосита ишчи-хизматчилар ўзлари дин ва унинг реакция моҳияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билан ўртоқлалишлари мўкин. Сўнгга биргаликда атеистик темадаги бадий ва ҳўжўқатли кинофильмларини томоша қиладилар.

Атеистик темадаги лекцияларни илочи бoрича тез-тез ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда. Бунинг сабабини шундаки, бундай лекциялар аудиторивалари тобора кўпроқ тингловчилар тўпلامоқда. Чўки унга қизиқиш мўтасил ортиб бoрмоқда. Лекциялардан кейин савол-жавобларнинг бўлиши ҳам шунга олиб кeлмоқда. Тингловчиларда, айниқса, кейинги вақтларда уюштирилган «Диний маросимларни бeртароф этишда янги аъназаларнинг роли», «Диннинг пайдо бўлиши ва унинг дастлабки формалари», «Меҳнат коллективининг атеистик тарбиядаги роли» ва бошқа темалардаги лекцияларни ишчи-хизматчилар катта қизиқиш билан тингладилар. Марказий химия лабораториясида эса атеистик темада ўтказилган кeча ҳаммада яхши таассурот қолдирди. Унда турли хил кижўзлаш, маданий ҳордиқ чиқариш ва оқватланиш учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бeриш лoзин. Хўш, Оққўрғон райониде бу бoрада аҳвол қандай? Район ҳўжаликларидаги дала шийпонлари талаб даражасидами?

ДАЛА МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-МАИШИЙ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Ҳар бир дeҳқоннинг асосий вақти далада ўтадиган бу даврда кишўқ партия ташкилотлари олиб бeраётган оммавий-сибейн ва маданий-тарбиявий ишлар бeвосита дала шийпонларига кўчади. Шу бoридан ҳам шийпонларни шинам қилиб кижўзлаш, маданий ҳордиқ чиқариш ва оқватланиш учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бeриш лoзин. Хўш, Оққўрғон райониде бу бoрада аҳвол қандай? Район ҳўжаликларидаги дала шийпонлари талаб даражасидами?

«Оққўрғон» совхозининг биринчи бўлимидаги СССР Олий Совети депутати Кенжа Аҳмедова бошчилик қилаётган бригада дала шийпони билан танишганда совхоз ишчилари учун яратиб бeриш шароитини кўриб хурсанд бўлди. Шийпонга телефон ўтказилган, радио ишлаб турибди. «Социалистик мусобақа экрани» тўлдириб бoрилади. «Атеистлар бўйича ҳам кeнгаш ишлаб турипти. Унинг составида дeрли барча ишлаб чиқариш бўлимлари вакиллари — Ун уч киши бўлиб, кeнгашга қасаба союзи комитети раиси Ю. Н. Жондиев бошчилик қилмоқда. Маданият ва техника саройи, қизил бурчаклар, кўтўбхоналар янги аъназаларни қарор топтиришга ёрдам бeрмоқда. Ички сулоларини шарафлаш, ниқоқлар ва янги туғилган фарзандларни тантанали рўйхатдан ўтказиш, Совет Армияси сафина жўнатилиш, биринчи маош кўни, ишчилар сафина қабул қилиш, балoғат ёши ва бошқа шў каби юзага кeлган урф-одатлар йил сайини кeнг идиз оتماқда.

Бироқ бундай бўлмапти. Бирор тақчилроқ нарсe кeлтиришса бугунгидаки ҳангомалар билан сотилади... Охунбoбoев номи колхозининг 3-бригадаси дала шийпони сажин ва баҳово. Столда газета ва журналларнинг янги сонлари турипти. Дeворда республика, область, район, қолхоз пахтакорларининг бу йилги социалистик мажбуриятлари осиглиқ. Медицина мавзусидаги турли эслатмалар дид билан илб қўйилган. Шийпонда зарур жиҳўзлар бор. Радио, телевизор, холодийликлар билан таъминланган. Хўллас, бригада пахтакорларининг самарали меҳнатидан сўнг маъмулни дам олишлари, ҳордиқ чиқариш

санитария талабларига мутлақо эид эканлигини яна бир бор эслатиб ўтишга тўғри кeлади. Ҳамид Олимжон номи колхозининг М. Умрoвoв бошчи 7-бригадаси аъзолари билан сўхбатда дала шийпонда оммавий-сибейн, ташкилий-тарбиявий ишлар талаб даражасида олиб бoрилмаслиги маълум бўлди. Бу ерда лекция ва сўхбатлар бирон марта ҳам ташкил қилинмаган. Автолавка кeлмайди. Шийпон мудир К. Пиримқўловнинг хатто июль ойи учун иш планини ҳам тузиб қўйишга қўли тeтмагач, бошқа бирон тадбир ўтказишга вақти бўлармиди? Колхозининг 2-ва 10-бригадаларида аҳвол бундан бeш баттар. «Озoд» колхозидagi бригадаларнинг дала шийпонларида ҳам қатор нуқсонлар мавжўд. Уларда сотувчисис дўконлар ташкил этилмаган, кўпчилиги электрлаштирилмаган, кўрғазмали агитация нoчoр аҳволда, 6, 9 ва 10-бригадалардаги шийпонларда эса ошхоналар атрофи ўрламган ва усти ёпилмаган.

ЯНА ШИЙПОНЛАР ҲАҚИДА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПРОПАГАНДА ВА АГИТАЦИЯ БУЛИМИ, ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ВА ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА ГАЗЕТАЛАРИ, ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ РЕЙД БРИГАДАСИ ОҚҚУРҒОН РАЙОНИ ХУЖАЛИКЛАРИ ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА.

Шийпон билан танишиш мабoида жуда кўп саволлар туғилди. Аммо, уларга ҳеч ким уезд-кeсeл жавоб бeра олган йўқ. Шу совхознинг 6-бўлимидаги Содей Абдуқодиров бошчилик қилаётган 4-бригада шийпони эса нoмигагина шийпон деб атамапти. Чўки зарур нарсалар билан мукамал жиҳўзланган бу бино асосан бўлим идораси вазифасини ўтайди. Ишчилар эса ўз уйларида оватланишиб, ўша ерда дам олишади. Шу бoридан жойлашган район марказий кутубхонасининг филмларини ҳисобга олмаганда ишчиларга бошқа бирон маданий хизмат кўрсатилмайди. Кутубхоначи Углибайрам Хўдoбeргановнинг айтишича китоблардан асосан мактаб ўқувчилари фойдаланишар экан.

Иккинчи бўлимининг Нeм-матжон Тошмўхамедов етакчилик қилаётган бригадаси шийпонидagi аҳвол айниқса ёмон. Радиорeмтнeк ва холодийлик рементда. Газеталар олинмайди. Ишчилар билан сўхбатдан маълум бўлишича қўчма дўкон бу ерда ҳеч кўчма кeлмайди, қончeрлар қўйилмайди. Совхоз бош бухгалтери Ашуралӣ Отажoнов шийпон мудирини сифатида нима иш қилаётганини ўзи ҳам билмади.

Бирор бундай бўлмапти. Бирор тақчилроқ нарсe кeлтиришса бугунгидаки ҳангомалар билан сотилади... Охунбoбoев номи колхозининг 3-бригадаси дала шийпони сажин ва баҳово. Столда газета ва журналларнинг янги сонлари турипти. Дeворда республика, область, район, қолхоз пахтакорларининг бу йилги социалистик мажбуриятлари осиглиқ. Медицина мавзусидаги турли эслатмалар дид билан илб қўйилган. Шийпонда зарур жиҳўзлар бор. Радио, телевизор, холодийликлар билан таъминланган. Хўллас, бригада пахтакорларининг самарали меҳнатидан сўнг маъмулни дам олишлари, ҳордиқ чиқариш

Сегизбoев номи совхозининг 1-бўлимидаги Юсуфжон Нишoнов бошчи бригадаси эса сотувчисис дўкон бор-у ундан ҳеч ким бирор нарсa харид қилмайди. Чўки дўкондаги маҳсулотлар эскирган. Вoтинeв номи, «Ленин-обoд» ва «Коммунизм» колхозларида эса юрoрдagi ўхшаш нуқсонларни кўриш мўкин. Район ҳўжаликларидаги дала шийпонлари билан танишар эканмиз бу ерда оммавий-сибейн тадбирлар етарли даражада ўтказилмаётгани, маданий хизмат оқсаб қoлаётгани, олимлар ва мутахасислар билан ўрнaшувлар ташкил этилмаётганининг шoҳиди бўлди. Ҳўжаликларнинг район маданият бўлими ва бадий ҳаваскорлик коллективларининг хизматлари сезилмапти.





АВТОЛАВКАНИ КЎРГАН БОРМИ?

Чинс районда қишлоқ хўжалиги, меҳнатқашарига бевосита далада хизмат кўрсатиш мақсадида кўчама автолавлар ташкил этилди. Матлубот жамияти ходимлари кўчани хўжаликларда деҳқонларга намунали хизмат кўрсатмоқдалар.

Афсуски, бизда бундай эмас, — дейди Энгельс номи колхоз бригадани бошлиги Ю. Шарипов. — «Пахта» қишлоқ матлубот жамияти билан ҳафталик ҳар жума кўчи бригадани учун бевосита далада савдо уюштириш ҳақида шартнома тузган эдик. Лекин олти ойдинки, бригадани аъзолари автолавлани кутариб тоқатлари тоқ бўлди. Шу сабабли арзимаган уй-рўзгор буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини ҳарид қилиш учун бир неча соат вақтларини сарфлаб, марказга бориб келишга мажбур бўлмоқдалар.

Қишлоқ матлубот жамияти раҳбарлари бу хўжаликка берилган автолавлани қарада эваляли билан бир қизиқиб кўрсатлар яхши бўларди

А. ОРИПОВ.

МУЗИКАЛИ САЛОН

Ўзбекистон ССР Маданият министрига тегишли республика экспериментал виллий-реставрация ва архитектура-бадий устанонасида нафосат масканлари қурилиши бўйича қатор лойиҳалар тайёрланди.

Муҳтажасиларнинг янги лойиҳаси музикали салон учун муҳаллашган. У эъза хос композицион қурилишга эга бўлади. Лойиҳа бўйича музика-шонаваллар учун алоҳида хона ажратилди, турли витриналар ташкил қилинди. Салонда музикали кечалар ўтказиш ҳам мумкин.

Бундай лойиҳа асосида дастлаб республикамиз пойтахтида салон очиш кўзда тутилган.

А. АЛИЕВ.

СПОРТ КЛУБИДА ҲАШАР

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнатқашарига Толяти автобил-созларнинг маданий-мансий объектларида тур кун ишлаб бериш ташаббусини қизғин қувватлаб, «Чимён» спорт клубига қарашли комплексни реконструкция қилишга киришдилар.

Бирлашма ремонт-механика ҳамда ботқа цехларининг юз-дан ортиқ меҳнатқашари томонидан «Химик» стадиони атрофида яшил манзарали бу-талар экилиб, трибуналар ре-монт қилинди. Енгил атлетика йўлқалари текширилди, ста-дион ободонлаштирилди.

Р. УСМОНОВА.

ДОСААФ ташкилотларида

Яқинда «Тошкент ҳақиқати» да эълон қилинган «Қозғо-дига тузилган» (27 июнь) ма-колани ўқиб, спорт соҳасида юз бераётган кўзбўямачилик-лар, қўшиб айтишлар гашини келтирдик. Айни пайтнинг ўзи-да ДОСААФ ташкилотларида ҳам айнан бир хил бўлмаси-да шунга ўхшаш фактлар мавжудлиги айдига тушди.

Оққўрғон районда ҳарбий хизматга қақирилувчилар билан ишлаш қандай аҳволда эканли-гини ўрганиш давомида қатор камчиликлар кўзга ташланиб қолди. Жумладан, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш пайтида техник ва ҳарбий-амалий спорт турларидан аён-аён-да фойдаланилар экан, ДОСААФ район комитети-нинг раҳбарлари эса спорт-техника клублари яхши ишлаб турса спортнинг бу турларига ортиқча аҳамият бермаси ҳам бўлади, деган фикрда эдилар.

Тўғри, спорт-техника клуб-ларининг мудофеа жамиятида тутган роли катта. Лекин халқ хўжалиги учун муҳтажасилар тайёрлаш билан бирга спорт ишларини яқинчи даражада иш деб билиш мутлақо яра-майди. Ваҳоланки, бу рејонда ана шундай кейфат бор.

Масалан, клуб қошида кар-тинг секцияси тузилган. Ле-кин спорт-техника клуби му-собокаларда иштроқ этмади. Нерағ Сабаби, бу секция қозғоғидига бор, холос. 8 йил давомида бирорта картингчи спортчи тайёрланмагандилигини боқис ҳам шунда. Лекин энг ачинарлиси — минглаб сўм маблағ сарфланиб ҳарид қилинган спорт инвентарлари ҳамда картинглар спорт клуб омибрида занглаб, эскиб ётиб-ди.

— Минг афсуски спорт-тех-ника деб ном олган клуби-мизда техник ва ҳарбий-амалий спорт турлари бўйича

Важола-ки, бундай спорт турларини ривожлантириш учун имкони-ялар йўқ эмас. Фикримизнинг далили учун бир нисол келтирайлик. 46-автобазада 200 га яқин иши-хизматчи меҳнат қилади. Улар-нинг кўпчилиги мудофеа жа-мияти аъзоларидир. 163 киши эса автомобиль ҳайдовчили-рига доирада ДОСААФ коми-тетининг раиси С. Амиронов-нинг ўзи бу ерда мотоцикл, картинг сингари спорт турла-рини ривожлантириш учун им-кониетлар борлигини тан ол-

билан учрашувлар, оммавий мудофеа ишлари ойлити, хо-тира вақталари тез-тез ўткази-лурилади. Мақтаб қошида мерганлик тирн, «Еш мерган-ли» турларини ишлаб турибди. Бугунча мақтабнинг 60 дан зиёд ўқувчиси Совет Армия-си офицерлари бўлди. Мақтаб адресига шу билим до-ғоқининг битирувчилари хиз-мат қилаётган ҳарбий қис-млардан ташаккурномалар ке-либ туради. Бу фактлар ку-вонарили, албатта. Лекин, ўқувчилар картинг, радио, авиа ва сув моделизми спор-

ти билан шуғулланиши иста-йдилар. Ана шу талабларни қондириш учун эса район ДОСААФ комитети спорт-техника клубининг ёрдами жу-да зарурдир. Албатта бош-қа мақтабларда ҳам ҳар-бий-амалий спорт турлари билан шуғулланиш иштиёқи да-ғи ўсимлар ҳамда ёшлар э-са эмас. Лекин мерганлик тирн йўқ, кичик калибрили миллиметрлар сақлаш учун махсус коналар ажратиб бе-рилмаган.

Спорт-техника ишларини яқини йўлга қўйиш тақриба-сини ўрганиш учун узоққа бо-ришини хоҳати йўқ. Масалан, С. Медундиче раислик қилаёт-ган ДОСААФ ташкилотини мисо-лга олайлик. Бу ерда ар-мияга қақирилмак ёшдагилар билан ишлашга алоҳида эътибор берилди. Ёшлар техник тўғаракларда иштиёқ билан шуғулланадилар, ҳар-

СЎЗ БИЛАН ИШ БИР БЎЛСИН

ҳам бугунги кун талабига жа-воб берамайди...

Бу фактлардан кўз юмиб бўлмайди. Лекин ҳар ҳолда техник ва ҳарбий-амалий спорт турларининг оқсатиш бош са-боб бунда эмас. Район ДОСААФ комитети бошланғич ташкилотлари раҳбарлигини су-ст олиб бормоқда. Шу жумла-дан ҳарбий-техник спорт турларини пропаганда қилиш, ёшларни ҳарбий-амалий спорт турларига жалб этиш борасида ҳам активлик кўрсатмапти. Тўғри, бу масалалар район ДОСААФ комитетида бир неча бор муҳокама қилинган, қарорлар қабул қилинган. Ле-кин қарорлар қозғоғидига қол-иб кетавериди. Амалда му-дофеа жамияти бошланғич ташкилотларида оммавий му-дофеа ишларини жонланти-риш юзасидан аниқ тадбир-ларни амалга ошириш билан

ди. Лекин район ДОСААФ ко-митетининг ташаббуси ҳам, ёрдами ҳам сезилмапти...

Автобус-таксомотор паркн, пахта заводи, «Оскомсельхоз-техника»да ҳам худди шу фикрларни билдиришди. Ёшларни армия хизмати-га тайёрлаш, уларда техник ва ҳарбий-амалий спорт турлари-га иштиёқ уйғотиш хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш ўрни-ли. Бу борада Жданов номи-ли 3-ўрта мақтаб ДОСААФ таш-килоти иш тақрибига ҳа-қида гапириб ўтиш керак. Бу бошланғич ташкилотга Улуғ Ватан уруши қатнашчиси А. Аҳмедов раҳбарлик қила-ди. Мудофеа жамияти армия-га қақирилувчи ёшлар билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор беради. Бу ерда ёш-ларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида уруш ва меҳнат ветеранлари

Спорт

БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАРИ
ФУТБОЛ бўйича физкультура коллеқтивлари ўртасидаги республика чемпиолатининг биринчи давра ўйинлари якунланди. Чемпиолатнинг пешқадами икки тур аввал аниқланди. Олмалиқнинг «Металлурги» командаси ўз маб-домида Қибрайнинг «Бинокор» футболчиларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб 28 очко билан иккинчи ўринни эгалла-ди. Фарғонанинг «Автомо-билли» командаси эса Тош-кентда «Старт» коллективи билан куч синишиб 3:1 ҳисобда ғалабага эришди ва 27 очко билан учинчи ўринда бормоқ-да. Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси командасининг ҳар бир ўйини муқабиласига заъб бағишламоқ-да. Шу боисдан ҳам команда ўз майдонига ўйнаганда ста-дион томошбинлар билан

Table with columns: БИРИНЧИ ДАВРА УЯИНЛАРИНИНГ ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ, Ҳ Ю Д М Т О, and rows for various sports teams like 'Трактор', 'Металлурги', etc.

Халқаро ҳаёт

НАЖИБ ҲИРОТ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

КОБУЛ, 14 июль (ТАСС). Афғонистонлик буюқ олим-лар, шонрлар, рассомлар ва-тани бўлган қадимий Ҳирот диврида қуролли реакция қуларига ўрин йўқ, деди АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари Нажиб АДРнинг шимолӣ-ғарбдаги мазкур вилоят вакиллари билан учрашувида. У Ҳирот аҳо-лисини ватанини аксилликчи-чи гуруҳлардан халос этишда кўмаклашишга, миллий то-тувликка ва қон тўкиши-ни тўхтатишга даъват эт-ди. Нажиб ҳозирги вақтда аксилликчилий ташвиқот туфайли айданган ватандош-ларни тезроқ тинч меҳнатга қайтартиш мақсадида улар ора-сида иш олиб бориш қабил-бошлиқлари, оқсоқоллар ва рухонийлар олдига турган энг муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлади.

ЭРОН — ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД, 14 июль (ТАСС). Эрон қўшинлари Басрадан шарқроқдаги рай-онда бир қанча ҳарбий на-терларни йўқ қилиб, душ-ман ҳужумини даф этидилар, дейилади Ироқ бosh ҳарбий қўмондонлигининг наватба-ди ахборотида. Ҳарбий-ҳаво кучларининг самолёт-лари ва вертолётлари 70 тадан ортиқ жанговар учин-ни амалга оширди. Утган кунлар давомида Эроннинг Форс кўрфази соҳили яқинидаги иккинчи «Йиринг ден-гиз нишонни» мағлубиятга учради. Ироқ қўшинлари фронтнинг марказий участ-қасида, Фао секторинда ва Майсадан шарқроқда Эрон позицияларини ўққа тутди-лар. Ўқ-дори сақланадиган ўндан ортиқ дала омбори, бир қанча пидеялар пози-цияси ва кузатув постн вай-рон қилинди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

14 мамлакатдан, шу жумладан СССРдан келган тинчлик ха-риратининг вакиллари қатна-шдилар. Анжуман қатнашчилари тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, қуролсизла-нишга эришиш проблемаларини теқор трассаларда кизмат қи-ладилар. «КТ-8» дунёга донги келган Чехословакия трамвай-лари янги алоқининг вакиллари яратиб, апартеид режими га қарши кураш, Марказий Америкадаги аҳолини нормал-лаштириш масалаларига катта эътибор берилди. Швеция де-легациясининг тақлифига бино-вал навбатдаги шундай учра-шуш келаси йил Стокгольмда бўлиб ўтади.

ЭРОН — ИРОҚ ФРОНТИДА

НИКОСИЯ, 14 июль (ТАСС). ИРНА агентлиги-нинг хабар беришича, Эрон қўшинлари Мажну ороли районини душманга ҳужум қилдилар. Душманнинг 120 дан ортиқ солдати ўлдирди. 4 та ҳарбий катер йўқ қилинди. Тўплардан зўр бе-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЗОЛОТАЯ ЗВЕЗДА» БАЛЬЗАМИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДОРИХОНАЛАР БОШҚАРМАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ВА ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАЛАРИГА МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ,
ДОРИХОНАЛАРДА «ЗОЛОТАЯ ЗВЕЗДА» БАЛЬЗАМИ МАВЖУД.
Мазкур бальзам Вьетнам Социалистик Республикасида тайёрланган.



«Золотая звезда» бальза-ми илмий усул билан Вьет-нам олий нав эфир мойлари-дан тайёрланган. Унинг тар-кибига эвалит, чиннигул, яллиғ мойи, долчин мойи, хушбўй кислоталар ва бош-қа усимлик маҳсулотлари яра-ди. Улар тери ва шиллиқ парда нерв толаси учларини кўзгаш хусусиятига эга. Эфир мойидан азалдан кенг фойдаланиб келинади. Масалан, яллиғ мойи со-вуқ сеғи рецепторларини кўзгайди, яъни унинг «сову-ти» таъсири оқибатида оғ-риқ пасаяди.

Бальзамини терига суртиш тана юзасида жойлашган томир йўллариини кенгайтиради, баданга иссиндик югури-ди ва терига ҳамда тери ости тўқималарида қон айлани-ши яхшиланади. Бальзам бўғим касаллиқларида, мушаклар яллиғлан-ганда, мия оғриғи, бел оғриғи, бод, мигрень, спортдаги жароҳатланишларда қўлланилади. Бош оғриғи, бош айланиши, шамоллаш, грипп, денгиз касаллигини даволашда «Золотая звезда» бальзамини юзига чека ва пешона ҳамда бўйиннинг орқа сиртига, қўлоқ-лар тутмасига сурталади. Бальзамдан бод суяғи ва юз нервлари шамоллаганда, бўйин остеохондрозда оғ-риқни қондириш учун, шунингдек, тананинг оғриқ сезила-ётган жойидаги терига суриб фойдаланиш мумкин. «Золо-тая звезда» бальзамни енгил кўзгочни таъсир кўрсатади, шунинг учун ўндан бурун яллиғлининг касаллиқлари, то-моқ ва қўлоқ шамоллаши касаллиқлари вақтида терининг юмшоқ қисмларига суртиб фойдаланиш мумкин. Агар ту-мов вақтида бурун қавағи, устки лаб тепасидаги терига бальзам суртиса бурундан нафас олиш енгиллашади. Бальзам қўшиқ буг билан ингалация қилиш балғамни кў-чиради, оғри трахеит, бронхит билан оғриган кишиларда овоз хириллашини йўқлатади. Ингалацияни катта доза-ларда кунига камида 3 мартага такрорлаш шиллиқ пардани қуритади ва унинг нервларини кўзгайди. Инга-ляцияни гўгурт донасининг бошчаси катталлиғида баль-замни кофеинли ёки чойнақдаги усти ёниқ қайноқ сувдан фойдаланган ҳолда ўтказиш мумкин.

Чиннигул эфир мойи ҳуркитиш хоссасига эга бўлгани учун бальзамдан чивни ва бошқа хашаротларнинг қақи-шида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун чивни қаққан ерга бальзам суртиш ёки уни енгиллик артиш ҳам мум-кин. «Золотая звезда» бальзамни кишига бардиқан баҳш этади, асабийликни сусайтиради ва чарчоқни ёзди. Бу дори уй аитчесида ҳамма вақт сақланиши шарт. яъни эфир мойи сира эскирмайди, бузилмайди ва у узоқ вақт сақланади. «Золотая звезда» бальзамни қуёш нури тушири турган ердан ҳоли бўлган салқин жойда, қопқон яхши беркитилган банчаларда сақлани-ши керак.

«СНЕЖИНКА» ОШХОНАНГИЗДА

ИШОНЧЛИ, ТЕЖАМКОР, ИШЛАТИШДА ОД-ДИИ БЎЛГАН «СНЕЖИНКА» ХОЛОДИЛЬНИ-ГИ УИ БЕКАЛАРИГА МАНЗУР БЎЛАДИ.

Унинг паст ҳароратли бўлмаси ҳамми бир камерали холодийликлар учун одатдаги ҳаммидан икки марта кат-та. У қирқ литрга тенг. Бу кўпроқ музлатадиган поз-нетматларни сақлаш имкониин беради.

Complex advertisement for 'Снежинка' refrigerators, including an image of the refrigerator and text describing its features and availability.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ

БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛА-МА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Ҳинд Йоти иштирокидаги ЛАОС ЦИР-КИ ГАСТРОЛЛАРИ (соат 19.30 да).

Large footer advertisement for 'Тошкент ҳақиқати' newspaper, including contact information, address, and subscription details.